

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ 33-сонли фармонига мувофиқ уй жой олиш мақсадида фуқароларга субсидия маблағларининг ажратилаётганлиги аҳолига янда кенг имкониятлар яратилишига замин яратмоқда.

Жумладан 2021 йилда туманда уй-жой харид қилиш учун 22 нафар фуқароларга қарийб 500,0 млн.сўм субсидиялар ажратиш бўйича ижобий хулосалар берилиб, 64 нафар фуқароларга 14,5 млрд сўмлик 20 йиллик ипотека кредит маблағлари ажратилиши таъминланди ва хоноданлар ўз эгаларига топширилди.

Бундан ташқари, 2022 йилда 45 нафар фуқароларга маҳсус комиссия қарорига мувофиқ кўп қаватли уй-жойлар харид қилишлари учун 1 440,0 млн.сўм субсидия маблағларини ажратиш бўйича хулосалар берилди. Шундан, 33 нафар фуқароларга уй-жой сотиб олиш учун бошланғич 32 млн.сўмдан жами 1056 млн.сўм субсидия маблағлари тўлаб берилди. Қолган 12 нафар фуқаролардан 2 таси ўз хоҳишига кўра аризасини рад этган бўлиб, 10 нафар фуқаролар уй-жой сотиб олиш жараёнида.